

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.04/30.09.2020.TIB.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КАДИРОВ БЕХРУЗБЕК САИДОВИЧ

**HELICOBACTER PYLORI VA VEGETATIV DISTONIA SINDROMI
BILAN BOGLIQ YRA KASALLIGI BULGAN BEMORLARNING
DAVOSINI OPTIMALLASHTIRISH**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кадиров Бехрузбек Саидович

Helicobacter pylori ва вегетатив дистония синдроми билан боғлиқ яра касаллиги бўлган беморларнинг давосини оптималлаштириш..... 3

Кадиров Бехрузбек Саидович

Оптимизация лечения пациентов с язвенной болезнью, ассоциированной с Helicobacter pylori и синдромом вегетативной дистонии..... 25

Kadirov Bekhruzbek Saidovich

Optimization of treatment of patients with peptic ulcer disease associated with Helicobacter pylori and vegetative dystonia syndrome..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.04/30.09.2020.TIB.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КАДИРОВ БЕХРУЗБЕК САИДОВИЧ

**HELICOBACTER PYLORI VA VEGETATIV DISTONIA SINDROMI
BILAN BOGLIQ YRA KASALLIGI BULGAN BEMORLARNING
DAVOSINI OPTIMALLASHTIRISH**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамрабаева Феруза Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ташкенбаева Элеонора Негматовна тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий
тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ю. Рузибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди,
доцент

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги - овқат ҳазм қилиш тизимининг кенг тарқалган касаллиги бўлиб, 3 мм дан 5 мм гача шиллиқ қаватнинг жароҳатланиши ва шиллиқ ости қаватнинг кўринадиган даражадаги чуқурликка етадиган овқат ҳазм қилиш трактининг шикастланиши деб таърифланади¹. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг Фарб мамлакатларида тахминий тарқалиш 5-10% ни ташкил этиб, умумий аҳоли бўйича йиллик касалланиш 0,1-0,3% ни ташкил қилади². Носпецифик аломатлар туфайли яра касаллигини баҳолаш ва даволаш клиник эҳтиёткорликни талаб қилиб, қон кетиш, тешилиш, қўшни органларга ва ошқозон-ичак трактига ўсиб кириш, обструкция каби оғир асоратлар содир бўлиши мумкинлиги сабабли шошилиш ҳолатларда эндоскопик ёки анъанавий жарроҳлик давосини талаб қилиши мумкин.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида шунингдек, бизнинг давлатимизда ҳам ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ошқозон ичак тизимининг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб қолмоқда. Европа, АҚШ ва Россия давлатлари аҳолисининг ҳар ўнтадан бири яра касаллиги билан оғрийди. АҚШ да ҳар йили 500 000 га яқин бирламчи ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги аниқланиб, 4 млн ва ундан ортиқ беморлар сурункали яра касаллигининг кўзиши ташхиси билан мурожаат қилади.

Республикамизда олиб борилган статистик таҳлили натижалари шунини кўрсатдики, ошқозон ичак тизими касалликлари билан оғриган беморларнинг 56,6% ни катта ёшли аҳоли, 34,5% ни 14 ёшгача бўлган болалар ва 8,9% ни болалар ташкил этади. 2017 йил маълумотларига кўра, ошқозон ичак тизими касалликлари билан 3,5 млн бемор рўйхатга олинган бўлиб, ўртача ўсиш тенденцияси 2,65% ни ташкил этади. Охириги 10 йил ичида беморлар сони 22,4% га ошган. Бугунги кунда республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш ҳамда унинг турли минтақаларида юқумли бўлмаган сурункали касалликларни камайтиришга қаратилган «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизматининг самарали моделларини яратиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»³ каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий –

¹ Sverden E., Agreus L., Dunn J., Lagergren J. Peptic ulcer disease // BMJ (Clinical research ed). – 2019. - №367. - P.15495.

² Lanas A., Chan F. Peptic ulcer disease // Lancet (London, England). - 2017. - №390(10094). – P.613–624.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ошқозон яра касаллиги (ОЯК) ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги (ЎБИЯК) - сурункали полиэтиологик қайталанувчи касаллик бўлиб, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак шиллик қаватидаги трофик жараёнларнинг ўзгаришига олиб келадиган асаб, гипоталамо-гипофизар, гипоталамо-гипофизо-адренал ва маҳаллий гастродуоденал жараёнлардаги мураккаб ўзгаришлар ётади. Ўз навбатида, ҳосил бўлган ярали нуқсон нейро-гормонал бошқарув бузилишини қўллаб-қувватловчи интерорецепторлар кўзгатиш манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, пайдо бўлган "шафқатсиз доира" ошқозон ярасининг сурункали кечишига сабаб бўлади (Сошина А.А., Сергеева В.В., Зиняева Т.В., 2013).

Ошқозон яраси патогенезида доимо вегетатив дистония синдроми парасимпатик тизимнинг ошиши билан бирга содир бўлади (Осадчук М.А., Осадчук М.М., 2013). Ошқозон шиллик қаватининг иши кучайиши гиперсекреция билан биргаликда ошқозон безларининг гиперплазияси ва трофикасининг бир вақтда бузилиши, натижада ошқозон яраси касаллигининг ривожланиш механизми асосида нафақат парасимпатик нерв тонусининг ошиши, балки симпатик нерв тизимининг пасайиши ётади (Осадчук М.А., Киреева Н.В., Исламова Е.А., 2016). Яра касаллиги бўлган беморларда вегетатив тонус ўзгаришларнинг табиатини вегетатив кўрсаткичларга ишониб баҳолаганда электрокоагулограмма, ошқозон секрецияси маълумотлари, электрогастрограмма (ЭГГ) маълумотлари қарама-қарши натижалар берди (Иванов Л.Н., Колотилова М.Л., 2020).

Ҳозирги вақтда ошқозон яраси касаллиги патогенез назарияларининг ҳеч бири ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларнинг ривожланишига асос бўла оладиган жалб қилинган функциялар ва уларнинг ўзгаришига олиб келадиган хилма-хилликни қамраб олмайди (Каримов М.М., Собирова Г.Н. ва бошқ., 2015).

Ярали касаллик билан оғриган беморларнинг физиологик жараёнларини касаллик кечимининг турли босқичларида даволашнинг турли усуллари фонида ҳар томонлама ўрганиш долзарб бўлиб ҳисобланади (Каримов М.М., Саатов З.З., 2014).

Шундай қилиб, биз ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак шиллик қаватининг ярали шикастлари жуда хилма-хил ривожланиш механизмларининг

мавжудлиги хақида ўйлашимиз керак. Эҳтимол, санаб ўтилган механизмларнинг ҳеч бири ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ярасининг шаклланиши ва сурункалилигини аниқлашда мустақил рол ўйнамайди ва фақат уларнинг комбинацияси шиллиқ қаватнинг ярали шикастланиш нозологик шакли аниқлаши мумкин (Хамрабаева Ф.И., Мадумарова А.А., 2017, Хамрабаева Ф.И., 2015).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг №006.01.03.002 илмий-тадқиқот режаси доирасида «*Helicobacter pylori* ва вегетатив дистония синдроми билан боғлиқ яра касаллиги бўлган беморларнинг давосини оптималлаштириш» мавзусида (2018-2021 йиллар) бажарилган.

Тадқиқот мақсади *Helicobacter pylori* ва вегетатив дистония синдроми билан кечувчи ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда эрадикацион терапия билан бирга атипик нейрорептикларнинг таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда вегетатив бузилишлар неврологик ҳолатининг клиник таҳлил қилиш;

эрадикацион терапия комплексида атипик нейрорептикни (сульпирид) қўллашда ошқозон ва/ёки ўн икки бармоқ ичак яраларининг битишига бўлган таъсирини ўрганиш;

атипик нейрорептик (сульпирид) ва амитриптилиннинг ошқозон ва/ёки ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги бор беморларда вегетатив дистония синдромини мувозанатлаштиришдаги қиёсий аҳамиятини ўрганиш;

вегетатив дистония синдроми билан кечувчи яра касаллигида атипик нейрорептик (сульпирид) ва антидепрессант (амитриптилин) таъсирида ҳаёт сифати кўрсаткичларини солиштирма ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2019-2022 йилларда АЖ “Чинобод санаторияси”нинг гастроэнтерология бўлимида стационар даволаниш курсини ўтаётган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан касалланган 90 нафар бемор таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг капилляр қони, веноз қони ва зардобини олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, уреазали нафас тести, функционал-асбобий ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда вегетатив бошқарилишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан вегетатив мувозанатнинг бузилиши, хавотирли ҳолатларга мойиллик ва вегетатив таъминотнинг етишмаслиги аниқланган;

илк бор яра касаллигининг полиэтиологик эканлигига асосланган ҳолда *Helicobacter pylori* билан зарарланган беморларда вегетатив дистония патогенездаги асосий бўғинлардан бири эканлиги исботланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда вегетатив дистониянинг мавжудлиги ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтириши, оғриқ синдроми интенсивлигини ошириши ва психоэмоционал ҳолатга салбий таъсир кўрсатиши асосланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда эрадикацион квадротерапия таркибига сулпиридни қўллаш *Helicobacter pylori* га ва вегетатив дистониянинг мувозанатланиши билан намоён бўладиган самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атипик нейролептик (сулпирид) эрадикацион квадротерапия комплексида қўлланилиши вегетатив нерв тизими ҳолатини мувозанатлаштиришга ёрдам бериши ва яранинг битишини тезлаштириши билан изоҳланади;

сулпирид эрадикацион квадротерапия комплексида қўлланилганда ремиссия даврини сезиларли даражада узайтириши, рецидивлар сонини камайтириши ва касалликнинг асоратларини олиши билан изоҳланади;

сулпирид эрадикацион квадротерапия комплексида қўлланилганда касаллик даврини қисқартириши ва беморнинг одатий ҳаёт даврига қайтишини тезлаштириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник, лаборатор, эндоскопик, функционал ва статистик таҳлил усуллари орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий аҳамияти. Асосий гуруҳда атипик нейролептик (сулпирид) эрадикацион квадротерапия комплексида қўлланилганлиги, таққослаш гуруҳида атипик нейролептик ўрнига антидепрессант (амитриптилин) ишлатилганлиги ва назорат гуруҳида фақат эрадикацион квадротерапия қўлланилганлиги, сулпирид квадротерапия билан биргаликда ишлатилганда яранинг битиши бўйича энг самарали ва тез натижаларга эришилганлигининг *Saketa-Miwa* таснифи бўйича эзофагофиброгастроуденоскопия пайтида аниқланганлиги, асосий гуруҳда вегетатив мувозанатнинг сезиларли даражада яхшиланганлиги қўлланилган Данъини-Ашнер кўз-юрак рефлексии синамасы ва Спилбергер-Ханин тести натижалари билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти. Яранинг битиш жараёнини тезлаштириш, вегетатив асаб тизими дисбалансини барқарорлаштириш ва *Helicobacter pylori* нинг самарали эрадикацияси беморларнинг стационар ётоқ кунини қисқартириш орқали тезроқ соғайишига ёрдам берганлиги ва шу билан беморларнинг иқтисодига сезиларли иқтисодий ҳисса қўшганлиги, асоратлар ривожланишининг олди олинганлиги, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари қисқартирилганлиги, давлат томонидан стационардан кейинги даврда беморни сақлаш харажатларини камайтирилганлиги ва давлат ривожланишига ҳисса қўшадиган кадрларни тезда сафга қайтаришга олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Helicobacter pylori* ва вегетатив дистония синдроми билан кечувчи ошқозон ҳамда ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда эрадикацион терапия билан бирга атипик нейрорептикларнинг таъсирини ўрганиш натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда вегетатив бошқарилишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан вегетатив мувозанатнинг бузилиши, хавотирли ҳолатларга мойиллик ва вегетатив таъминотнинг етишмаслиги аниқланганлиги асосида “*Helicobacter pylori* билан боғлиқ яра касаллиги ва вегетатив дистония синдроми бўлган беморларни даволашда атипик нейрорептик билан биргаликда эрадикацион терапиянинг самарадорлиги” услубий тавсияномаси тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида ушбу тоифадаги беморларда хавотирга мойиллик, ҳиссий лабиллик ва ҳаётий муҳим функцияларнинг вегетатив таъминотининг етишмовчилигида намоён бўладиган оғир психовегетатив бузилишлар аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 декабрдаги 8n-r/1458-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2023 йил 24 апрелдаги №125 сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2023 йил 25 апрелдаги №65 сонли буйруғи) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* психовегетатив ҳолатларни баҳолашни жорий этиш клиник диагностика сифатини ошириш, яра касаллиги билан оғриган беморларни даволашга ёндашувни индивидуаллаштириш ва уларнинг психоэмоционал ҳолатини яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* психовегетатив бузилишларни мақсадли коррекциялаш орқали узок муддатли симптоматик даволаниш харажатларини камайтириш ҳар бир бемор учун ўртача 645000 сўмни тежаш имконини берган. Хулоса: яра касаллиги билан оғриган беморларда психовегетатив бузилишларни аниқлаш аниқроқ клиник кўринишни шакллантириш, даволашга ёндашувни индивидуаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш 645000 сўмни тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк бор яра касаллигининг полиэтиологик эканлигига асосланган ҳолда *Helicobacter pylori* билан зарарланган беморларда вегетатив дистония патогенездаги асосий бўғинлардан бири эканлиги исботланганлиги бўйича “*Helicobacter pylori* билан боғлиқ яра касаллиги ва вегетатив дистония синдроми бўлган беморларни даволашда атипик нейрорептик билан биргаликда эрадикацион терапиянинг самарадорлиги” услубий тавсияномаси тасдиқланган бўлиб, унинг асосида илк бор *Helicobacter pylori* билан касалланган беморларда вегетатив дистония касаллигининг полиэтиологик табиатини ҳисобга олган ҳолда патогенезнинг асосий бўғинларидан бири эканлиги исботланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2023 йил 24 апрелдаги №125 сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли

клиникаси (2023 йил 25 апрелдаги №65 сонли буйруғи) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* вегетатив бузилишларни бартараф этиш орқали терапия самарадорлигини ошириш, рецидивлар ва асоратлар сонини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* такрорий даволаш курслари ва текширув харажатларининг камайиши ҳар бир бемор учун ўртача 672300 сўмни тежашни таъминлади. Хулоса: *Helicobacter pylori* билан касалланган беморларда вегетатив дистониянинг яра касаллиги патогенезида асосий рол ўйнашини исботлаш патогенетик терапияни такомиллаштириш, қайталаниш ва асоратлар частотасини камайтириш, шунингдек, ҳар бир бемор учун 672300 сўм маблағни тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда вегетатив дистониянинг мавжудлиги ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтириши, оғриқ синдроми интенсивлигини ошириши ва психоэмоционал ҳолатга салбий таъсир кўрсатиши асосланганлиги бўйича “*Helicobacter pylori* билан боғлиқ яра касаллиги ва вегетатив дистония синдроми бўлган беморларни даволашда атипик нейролептик билан биргаликда эрадикацион терапиянинг самарадорлиги” услубий тавсияномаси тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида биринчи марта ушбу тоифадаги беморларда вегетатив дистониянинг мавжудлиги ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштириши, оғриқ синдромини кучайтириши, психоэмоционал ҳолатни бузиши ва стандарт терапия самарадорлигини пасайтириши асосланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2023 йил 24 апрелдаги №125 сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2023 йил 25 апрелдаги №65 сонли буйруғи) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ҳаёт сифатини баҳолаш даволашни ўз вақтида тузатиш ва беморларнинг қониқишини ошириш, такрорий касалхонага ётқизиш сонини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташрифлар сонининг камайиши ва қўшимча дори-дармонлар учун харажатларнинг камайиши ҳар бир бемор учун ўртача 701800 сўмни тежашни таъминлади. Хулоса: вегетатив дистониянинг яра касаллиги билан оғриган беморларда ҳаёт сифати, оғриқ синдромининг оғирлиги ва психоэмоционал ҳолатга салбий таъсирини асослаш, ташхислаш аниқлигини ошириш, терапевтик тактикани мослаштириш ва ҳар бир бемор учун ўртача 701800 сўмни тежашга эришиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда эрадикацион кватротерапия таркибига сулпиридни киритишнинг нафақат *Helicobacter pylori* га, балки вегетатив тизимга ижобий таъсири билан намоён бўладиган самарадорлиги исботланганлиги асосида “*Helicobacter pylori* билан боғлиқ яра касаллиги ва вегетатив дистония синдроми бўлган беморларни даволашда атипик нейролептик билан биргаликда эрадикацион терапиянинг самарадорлиги”

услубий тавсияномаси тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида *Helicobacter pylori* ҳам, вегетатив бошқарув бўғинига ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган эрадикацион квадротерапия таркибига сулпирид - атипик нейролептикни киритиш самарадорлиги исботланган, бу эса даволашнинг умумий самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Мазкур таклиф Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2023 йил 24 апрелдаги №125 сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2023 йил 25 апрелдаги №65 сонли буйруғи) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*: модификацияланган терапияни қўллаш рецидивлар частотасининг пасайишига, яраларнинг тез битишига ва даволанишга содиқликнинг ошишига олиб келди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: даволаниш муддатини қисқартириш ва такрорий терапияга бўлган эҳтиёжни камайтириш ҳар бир бемор учун ўртача 728500 сўмни тежашни таъминлади. Хулоса: *Helicobacter pylori* ассоцирланган яра касаллиги ва вегетатив бузилишлар билан оғриган беморларни эрадикацион терапияси таркибига сулпиридни киритиш даволаш самарадорлигини оширди, касалхонада даволаниш муддатини қисқартирди ва ҳар бир бемор учун ўртача 728500 сўмни тежаш имконини берган.

Хулоса: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларда психовегетатив бузилишларни комплекс ташхислаш ва коррекциялаш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияни жорий этиш, шу жумладан эрадикацион терапия таркибида сулпиридни қўллаш даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг қайталаниши ва асоратлари частотасини камайтириш, касалхонага ётқизиш муддатини қисқартириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Илмий янгиликдан кейнгайтирилган холда фойдаланиши: олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбири бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15-январдаги 11-сонли йиғилиш баённомасига асосан хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, улардан 2 таси халқаро, 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 102 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол ёритилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Адабиёт шарҳи. Helicobacter pylori ва вегетатив дистония синдроми билан бирга келган яра касаллиги эпидемиологияси, патогенези ҳамда замонавий даволаш усуллари»** адабиётлар таҳлили тақдим этилган: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги эпидемиологияси ҳамда патогенези, яра касаллиги ва вегетатив дистония синдроми, яра касаллигини замонавий даволаш усуллари ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини янада ўрганиш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Текшириш материали ва усуллари»** клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ўз ичига олган маълумотлар келтирилган. Диссертация асосига helicobacter pylori ва вегетатив дистония синдроми билан бирга келган ошқозон ҳамда ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд 90 нафар беморни клиник текширишлари киритилган бўлиб, назорат гуруҳи жинси ва ёши жиҳатидан асосий гуруҳга мос келадиган, анамнезида ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган ва эзофагогастроуденоскопия пайтида йўғон ичак шиллиқ қавати ўзгаришсиз сифатида баҳоланган 20 нафар кўнгилли кишилардан ташкил топган.

Тадқиқотга 18-59 ёшгача бўлган беморлар киритилган. Барча беморлар уч гурӯҳга бўлинган: биринчи гуруҳ (асосий) – 40 нафар бемор, иккинчи гуруҳ (таққослаш) – 40 нафар бемор ва учинчи гуруҳ (назорат) – 10 нафар беморни ташкил этган.

Беморларни текшириш умумий кўрув, шикоятларни баҳолашни, анамнезга оид маълумотларни тўплаш ва ривожланиш хавф омилларини аниқлашни ўз ичига олган. Барча ўлчовлар бир хонада, куннинг бир вақтида амалга оширилди. Барча беморлар умумий клиник, умумий қон таҳлили, ЭКГ, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг ФГДСи, C₁₃ нафас уреаз тести, махсус неврологик сина - Даньини-Ашнер синамаси, Спилбергер Ханин тести.

C₁₃ нафас уреаз тести Shenzhen Zhonghe Headway Bio-Sci & Tech Co., Ltd компаниясининг HUBT-20P Helicobacter pylori detector аппаратида ўтказилди. ФГДФС «FUGINON. FUGI FILM EPX-2500» (Япония) фирмасининг FUGI FILM-EG-530PF эндоскопик ускунаси ёрдамида амалга оширилган. Бундан ташқари MOS SF-36 сўровномаси фойдаланилган. Тадқиқот натижалари Windows 10 учун SPSSv.15.0 (2007) ва MSExcel 2019 дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик ишловдан ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Шахсий изланишлар натижалари. Helicobacter pylori ва вегетатив дистония синдроми билан бирга келган яра касаллиги мавжуд беморларнинг клиник-лаборатор, инструментал ҳамда ҳаёт сифати хусусиятлари**» баён қилинган. Беморларнинг клиник ҳолати таҳлили қилинганда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигига хос бўлган белгилар: овқат истеъмол қилгандан 1,5-2 соат ўтгач оғриқ пайдо бўлиши 52 нафар (57,8%) беморда, оч ва/ёки тунги оғриқлар – 61 нафар (67,8%) беморда, ҳам эрта ҳам оч ва/ёки тунги оғриқлар 23 нафар (25,6%) беморда аниқланиб, бу ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг бирга учраганлигидан далолат берди. Шу билан бирга, зарда қайнаши 82 нафар (91,1%) беморда, кўнгил айнаши – 76 нафар (84,%%) беморда, кўнгил айнаш – 31 нафар (34,5%), нордон кекириш – 62 нафар (68,9%), ҳолсизлик – 80 нафар (88,9) ва тана вазнининг камайиши 37 нафар (41,1%) беморларда кузатилиб, эпигастрал соҳа пайпаслаб кўрилганда барча 90 нафар (100%) беморларда турли интенсивликдаги оғриқ синдроми қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморларда клиник белгилар таҳлили натижалари

Асосий клиник белгилар	Беморлар сони n=90	
	Аниқ сон	%
Эпигастрал соҳада оғриқ	90	100
Овқат истеъмол қилгандан 1,5-2 соат ўтгач оғриқ пайдо бўлиши	52	57.8
Оч ва/ёки тунги оғриқлар	61	67.8
Зарда қайнаши	82	91.1
Кўнгил айнаши	76	84,5
Қусиш	31	34,5
Нордон кекириш	62	68.9
Палпацияда оғриқ	90	100
Ҳолсизлик	80	88.9
Тана вазнининг камайиши	37	41.1

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг helicobacter pylori (HP) билан боғлиқлигини аниқлаш учун уреазали нафас тести ўтказилди. Бунда C₁₄ уреазали нафас тестидан фойдаланилди. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**Helicobacter pylori ни аниқлаш бўйича C14 уреазали нафас тести
натижалари, Me [P25;P75]**

Лаборатор кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=90	Назорат гуруҳи n=30
C14 уреазали нафас тести	122,18 [94:148,1]*	33,21 [27,5:36,8]

Изоҳ: *-p<0,05

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган жами 148 нафар беморда НР ни аниқлаш учун тест ўтказилган бўлиб, шундан 90 нафарида НР мусбат натижа берган ва вегетатив дистония синдроми мавжуд беморлар тадқиқотга киритилди. Беморларнинг барчасида C14 уреазали нафас тести ўртача кўрсаткичлари соғлом инсонларга нисбатан ишончли юқори натижаларни кўрсатди (p<0,05).

Шу билан бирга, тадқиқотимиз давомида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак эндоскопик сурати таҳлил қилиниб, бунда яра ўлчами, ривожланиш босқичи ҳамда морфологик хусусиятларига аҳамият қаратилди.

Эзофагогастродуоденоскопик (ЭФГДС) текширувда морфологик хусусиятлар яра ўлчами ва яра нуқсони босқичига қараб аниқланиб, бунда Saketa – Miwa таснифидан фойдаланилди (3-жадвал).

**Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг ЭФГДС бўйича
ўлчамлари таҳлили, %**

ЭФГДС да аниқланган асосий ўзгаришлар	Беморлар сони n=90	
	Аниқ сон	Аниқ сон
Яра нуқсони (жами)	90	100
0,3 - 0,5 см	34	37,8
0,6 - 1,0 см	48	53,3
1,1 - 2,0 см	8	8,9
Чуқур яралар	7	7,8
Ошқозондаги икки локализацияли яралар	14	15,6
Ўн икки бармоқ ичак пиёзча қисми икки локализацияли яралари	13	14,4

Яра нуқсони барча текширилган беморларда аниқланиб: 0,3-0,5 см яралар – 34 нафар (37,8%) беморларда, 0,6-1,0 см яралар - 48 нафар (53,3%) беморларда ва 1,1-2,0 см яралар - 8 нафар (8,9%) беморларда аниқланди.

Шундай қилиб, беморларнинг асосий қисмида (53,3%) да ўрта ҳажмли яралар аниқланди. Бундан ташқари, 7,8% беморларда чуқур яралар, 15,6 % беморларда ошқозон икки локализацияли яралари ва 14,4% беморларда эса, ўн икки бармоқ ичак пиёзча қисми икки локализацияли яралари қайд этилди.

Кейинги босқичда яра нуқсони босқичи Saketa – Miwa таснифи бўйича эндоскопик усул билан аниқланди (4-жадвал).

Saketa – Miwa таснифи бўйича яра нуқсони босқичи, %

Saketa – Miwa таснифи, n=90					
A1	A2	H1	H2	S1	S2
Фаол босқич		Битиш босқичи		Чандиқланиш босқичи, қизил чандиқ	Чандиқланиш босқичи, оқ чандиқ
40 (44,4)	50 (55,6)	0 (0)	0 (0)	0 (0)	0 (0)

НР билан бирга келган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида вегетатив дистония синдроми мавжудлигини аниқлаш мақсадида махсус тестлардан фойдаланилди. Биринчи ўринда беморларда ховотир белгилари борлигини аниқлаш мақсадида Спилбергер-Ханин усулидан фойдаланилди. Бунда беморларда шахсий ва реактив ховотир белгилари мавжудлиги таҳлили қилинди.

Беморларда ховотир даражаси Спилбергер-Ханин усули бўйича учга бўлинди: паст – 30 баллгача, ўртача – 31-44 баллгача ва юқори – 45 баллдан юқори. Таҳлил натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Спилбергер-Ханин усули: шахсий ховотир, Me [P25;P75]

Шахсий ховотир (ШХ)	Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморлар, n=90
Ўртача балл	45,1
Минимал ва максимал балл	[32,8 – 57,2]
ШХ даражалари бўйича беморлар нисбати	Паст – 0 Ўртача – 23 Юқори – 37

Текширилган беморларнинг 37 нафарида (41,1%) юқори даражадаги шахсий ховотир белгилари аниқланди (53,4 [46,8:57,2]). Юқори шахсий ховотир гуруҳига кирувчи беморларда турли хил ҳолатларга нисбатан ховотирнинг пайдо бўлиши каби белгилар кузатилиб, бу айниқса, шахсиятга таълуқли бўлганда кучлироқ намоён бўлди. Бундай беморларда ўзига бўлган ишончни ва муваффақиятга эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳиссиётларни уйғотиш талаб этилади. Бундан ташқари, беморларнинг 23 нафарида (25,5%) ўртача даражадаги шахсий ховотир белгилари аниқланди (39,3 [32,8:43,7]). Паст даражадаги шахсий ховотир белгилари текширилган беморлар орасида кузатилмади.

Шу билан бирга, тадқиқотга киритилган беморлар орасида реактив ховотир даражалари талил қилинди. Таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Спилбергер-Ханин усули: реактив ховотир, Me [P25;P75]

Шахсий ховотир (ШХ)	Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморлар, n=90
Ўртача балл	40,8
Минимал ва максимал балл	[28,1 – 53,5]
ШХ даражалари бўйича беморлар нисбати	Паст – 9 Ўртача – 22 Юқори – 22

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморларнинг 22 нафарида (24,4%) юқори даражадаги реактив ховотир белгилари аниқланиб (49,2 [46,4:53,5]), бундай беморларда ховотир пайдо бўлиши стресс ҳолатларига тушиш билан боғлиқ бўлиб, дискомфорт, безовталиқ, ҳаяжон ва вегетатив кўзғалиш каби белгилар кузатилди. Худди шундай беморларнинг 22 нафарида (24,4%) ўрта даражадаги реактив ховотир белгилари қайд этилди (38,7 [34,6:45,1]). Шахсий ховотирдан фарқли ўларок, беморларнинг 9 нафарида (10,0%) пастдаражадаги реактив ховотир белгилари қайд этилди. Бунда ўртача баллар йиғиндиси 29,2 [28,1:29,9] ни ташкил этди.

Вегетатив дистония синдромини аниқлаш учун Спилбергер-Ханин тестидан ташқари, Данин-Ашнер синамаси (кўз-юрак рефлексидан) фойдаланилди. Бунда беморларнинг кўз олмаси 3-4 марта чуқур нафас олиб, нафасни ушлаб турган пайтда енгил ва бир хил босилди. Нафас олиш чўққисида беморлар кўз олмаси 3-4 сония давомида босилиб, босилишдан олдин ва кейин бир дақиқадаги юрак уришлар сони ўлчанди (7-жадвал).

Данин-Ашнер кўз-юрак рефлексининг натижалари, %

Реакция турлари	Асосий гуруҳ n=90	Назорат гуруҳи n=30
Нормал	4 (4,4)*	30 (100)
Ваготоник	50 (55,5)*	0 (0)
Симпатикотоник	36 (40,0)*	0 (0)
Манфий – ўзгаришсиз	0 (0)	0 (0)

Изох: * - $p < 0,05$

Юрак уришлар сонининг дақиқасига 4-10 мартагача камайиши 4 нафар (4,4%) беморда кузатилди. 50 нафар беморда (55,5%) юрак уришлар сони дақиқасига 10 мартадан ортиқ камайди. Бундай беморлар ваготоник кўз-юрак рефлексининг гуруҳига киритилиб, вегетатив нерв тизимининг парасимпатик қисми фаоллашганидан далолат берди. Текширилувчиларнинг 36 нафарида (40,0%) синамадан кейин юрак уришлар сонининг ошганлиги аниқланди. Бундай беморлар кўз-юрак рефлексининг симпатикотоник гуруҳига

киритилиб, вегетатив нерв тизимининг симпатик қисми қаоллашганидан далолат берди. Тахикардия юзага келган беморларда унинг турини аниқлаш мақсадида такрорий электрокардиограмма (ЭКГ) ўтказилди. Ушбу гуруҳга кирувчи беморларда ЭКГ да енгил синусли тахикардия қайд этилди. Текширилувчилар орасида Данин-Ашнер синамасидан кейин юрак уришлар сонида ўзгариш кузатилмаган беморлар 100% ни ташкил этди.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморларда вегетатив нерв тизимидаги бундай силжишлар уларда вегетатив дистония синдроми борлигини тасдиқлайди.

Беморларда вегетатив дистония синдроми мавжудлиги тасдиқлангандан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ҳаёт сифатини кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида MOS SF-36 сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу сўровнома носпецифик ҳаёт сифати кўрсаткичларини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, икки қисмдан иборат: соғликнинг жисмоний таркибий қисми ва соғликнинг руҳий таркибий қисми (8-жадвал).

8-жадвал

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан беморларда MOS SF-36 бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичлари, Me [P25;P75]

	Назорат гуруҳи, n=30	Беморлар, n=90	p
Соғликнинг руҳий таркибий қисми (MH)	48,47 [45:53]	38,24 [36:48]**	< 0,005
Соғликнинг жисмоний таркибий қисми (PH)	54,87 [50:60]	39,81 [34:46]**	< 0,005

Изоҳ: **-Беморлар ва соғлом одамлар орасидаги фарк (p<0,005)

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги билан оғриган беморлар соғлиғининг руҳий ва жисмоний таркибий қисмлари соғлом одамларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада камаяган, беморларнинг ҳиссий ва жисмоний ҳолати уларнинг кунлик иш ва жисмоний фаолият ҳажмини чеклайди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Helicobacter pylori** ва вегетатив дистония синдроми билан бирга келган яра касаллиги мавжуд беморларнинг клиник-лаборатор, инструментал ҳамда ҳаёт сифати хусусиятларининг даволашдан кейинги солиштирма таҳлили» даволашдан олдинги ва кейинги натижалар келтирилган. Беморларга *Helicobacter pylori* ва вегетатив дистония синдроми билан бирга келган ошқозон ва/ёки ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ташхиси қўйилгандан сўнг, даволаш жараёнида беморлар уч гуруҳга бўлинди:

I-гуруҳ (асосий) – анъанавий эрадикацион терапия (тўрт компонентли терапия: протон помпаси ингибитори – пантопразол 20мг 2 маҳал\кун + кларитромицин 500мг 2маҳал\кун + амоксициллин 1000мг 2маҳал\кун +

висмут трикалий дицитрат 120мг 4маҳал\кун) ва атипик нейролептик (сульпирид 200мг 1 маҳал\кун) қабул қилган беморлар (n=40);

II-гурӯҳ (солиштирма) – анъанавий эрадикацион квадротерапия ва антидепрессант (амитриптилин 25мг 1маҳал\кун) қабул қилган беморлар (n=40);

III-гурӯҳ – назорат гурӯҳи бўлиб, фақат эрадикацион квадротерапия қабул қилган беморлар (n=10).

Даволаш курси 10 кунни ташкил этди. Даволаш самарадорлиги 1-ташриф (бемор мурожаат қилган кун) ва 2-ташриф (40±2 кун) орасидаги тафовут ишончлигига қараб баҳоланди.

Даволаш курсидан кейин 2-ташрифда клиник белгилар гурӯҳлар орасида қайта таҳлил қилинди (9-жадвал).

9-жадвал

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморлар гурӯҳида клиник белгиларнинг даволашдан кейинги натижалари таҳлили, %

Клиник белгилар	I гуруҳ n=40	II гуруҳ n=40	III гуруҳ n=10
Эпигастрал соҳада оғриқ	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Овқат истеъмол қилгандан 1,5-2 соат ўтгач оғриқ пайдо бўлиши	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Оч ва/ёки тунги оғриқлар	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Зарда қайнаши	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Кўнгил айнаши	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Қусиш	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Нордон кекириш	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Ҳолсизлик	3 (7,5)	3 (7,5)	0 (0)
Тана вазнининг камайиши	1 (2,5)	3 (7,5)	1 (10,0)

